

Сиёсий-маърифат соати Давлат бошқаруви самарадорлигини оширишда меритократия тизимининг сиёсий механизмлари



Давлат фуқаролик хизматчиларининг сиёсий, маърифий ва маънавий билим ҳамда кўникмаларини ривожлантириб бориш мақсадида ташкил этиб келинаётган “Сиёсий-маърифат соати” ўқув машғулотининг жорий ҳафтага мўлжалланган навбатдаги онлайн машғулотлари бўлиб ўтди.

Ўқув машғулотларини туман ҳокимлиги кичик мажлислар залидан туман ҳокимлиги аппарати ходимлари ҳамда корхона ва ташкилотлар вакиллари онлайн кузатиб боришди.

Бугунги ўқувда “Сингапур мўжизаси” видеолавҳаси намоиши ва спикерлар томонидан Давлат бошқаруви самарадорлигини оширишда меритократия тизимининг сиёсий механизмлари мавзусида ҳамда “Мутолаа вақти” рукни, шунингдек, Ўзбекистон ва хориждаги муҳим жараёнлар ҳақида ахборотлар берилди